



СЎЗ ҚИЙМАТИ ВА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

**Қобилов Баходир Холбўтаевич
(Баходир Қобул)**

*Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси
катта ўқитувчиси*

Annotatsiya: Ушбу мақолада бугунги жонли ўзбек сўзлашувида, адабий, бадиий нутқидаям нотўғри ишлатилаётган “мазрур”, “гурур” сўзлари тўғрисида. Бу ҳолатни олдини олиш, сўздан тўғри фойдаланишида ўзбек тили мутахассислари, журналистлар биринчи навбатда масъул эканликлари билдирилади.

Kalit so‘zlar: сўз, тил, бадиий тил, ўзбек адабиёти

Аннотация: В данной статье речь идёт о словах «мазрур» (“не в своём уме”, “обманутый” а не “гордый”) и “гурур” (“не вежливость”, “пустые мысли” а “не гордость”) которые неправильно употребляются в современном узбекско - литературном, художественном языках. И за правильное использование слов в первую очередь ответственность несут специалисты узбекского языка и журналисты.

Ключевые слова: слова, язык, художественный язык, узбекская литература

Abstract: In this article we are talking about the words “maurur” (“not in his mind”, “deceived” and not “prideful”) and “usururur ” (“not politeness”, “empty thoughts” and “not pride”) which are misused in modern Uzbek literary, artistic languages. And for the correct use of words in the first place the responsibility is the specialists of the Uzbek language and journalists.

Key words: language, word, Uzbek literary, artistic languages

Дилбар шахс, Захириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари пасту баланд, қорли қировли давру давронлар тўзониларидаям ўчмасу кўчмас қилиб ёзиб кетганларидек: “Алишербек назир (ҳеч бир тенги) йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўп айтқон эрмас...”

Мен Абдулла Қодирий ҳазратларини ёдга олиш, у кишининг қолдирган адабий меросини икки улуғ оталаримиз отлари ва сўзлари билан бошлашимнинг сабаби эл дарди, юрт қайғуси, мамлакат ободлиги, одамларнинг кўнгил кўзини очилиши ҳасратида Абдулла Қодирий улардан кам бўлмаган ғайрату ўтинч, ўкинч билан яшаб ўтганликларини таъкидлашдир.

Адабиёт нима? Адабиёт элни одобга ўргатиш илми, одобга, тўғри сўзликка, тўғри сўзга ўргатиш дарслиги, тоза, тиниқ кўнгилда чаман яратиш машаққати, меҳнатидир. Маълум бир элнинг бошқа эллар орасида ўзининг фикр қувватини, фаросат қувватини, ўзини ва ўзгаларни таниш даражасини кўрсатиш





кувватидир. Тарозисидир. Миллат фахму фаросати ҳайбатининг кўринишидир. Адабиётнинг бор-йўғи эса эзгу фикр ва тиниқ фаросат тилидир. Шу тилни бадий тил дейдилар. Туркий тилимиз эса Ҳазрат Алишер Навоий ёзиб, исботлаб, кўрга ҳассадек қилиб кўрсатиб, ушлатиб кетганларидек ҳеч бир мана-ман деган тилдан зиёд бўлса бордир, кам жойи йўқ.

Шу фикрга йўлдош тарзда Абдулла Қодирий: “Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонлик (аҳмоқ)ликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар”, дейишлари бежизга эмас. Миллат дардини елкаловчилар сафида ўзбек жонли тили, адабий, бадий тили қадри қиймати йўлида қайғурди. Тилимиз қудратини яна бир бор исботлади.

Бирок, улуғ оталар тилини, кўнглини тушунадиган, улар тилини, кўнглидаги дардини тушинтирадиган қатламнинг етарли даражада шакллантирилмаганлиги, шаклланишига йўл берилмаганлиги, шароит яратилмаганлиги оқибатида эл-улус оталар фикрларни тушуниш даражасидаги илмга эга бўлолмай қолди. Ўтмиш сиёсатлари элни отадардлардан, отаҳасратлардан, отаниятлардан, оталар орзулардан узоқда сақлашга, уларга яқинлаштирмасликка, оталар йўлидан чалғитишга жуда катта усталик била узоқ йиллар режали равишда ёндашди.

Отадарди, отаҳасрати, оталар орзуси эса ота тил томирида, отасўзда бўлишини, оталар сўзини эшитиб ўсган болаларгина илғаши, тушуниши, ўзини шу ишга чоғлаши, бағишлаши, эл-юрт равнақи учун ҳеч нарсадан қайтмаслигини ота тилда тарбияланганлар яхши илғайдилар. Ота тилда тарбия олган ўғилдирки, қиздирки юриш туришида оталар назари, нафаси йўлдош эканини унутмайди.

Тарбия тили билан таълим тилини аралаштирмаслик керак.

Ҳазрат Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Абдулла Қодирийлар тили бизнинг тарбия тилимиз эканлигини илғаб, унинг маъно мағзини тўлиқ ва тўғри тушунишга ҳаракат қилишдан ортиқ юртни, элни севиш даражаси бўлмаса керак.

Таълим тили эса зарурат зарури. Ҳар бир илмнинг, яъни таълимнинг, фаннинг ўз тили бўлиши муқаррар. Зеро, “Илм Чинда бўлса ҳам ўрганинг” деган сўз қуруқдан қуруқга айтилмаган.

Ота тилга, она тилга бўлган муҳаббат, ота тилнинг гўзаллигини илғаш, қудратини сезиш, бу тилни қанчалар кўп ўргансак нафақат куни кечагина бизга





тил ўргатган, кўлимиздан тутган, бирга юрган ва бугунда ўтиб кетган оналаримизнинг сўзлари, қарашлари, қадамларининг товушлари қулоғингиз остидан кетмайди, балки, ўқиган, ўрганган китобларингиз саҳифларидан уларнинг бирда виқорли, бирда бош эгик қарашлари, айтар гапларини бирда дангал, бирда тил қисикликда шивирлашларидан, нафас олишларидан-да туюнасиз. Қадам товушлариям ўзбекчалигидан сесканиб кетасиз.

Абдулла Қодирий ҳазратлари битиклари битилган саҳифалар қарашлари, овозлари ҳам худди шундай. Бундан юз йил олдин айтилган гапларнинг кўмилиб кетмаганлигига, отилиб кетмаганига, кўнгиллардан ўчирилмаганлигига, қонларда, хаёлларда, тоза суякларда бирда ғайрат ила, бирда елка қисиб бўлса-да жон сақлаганига гувоҳ бўласиз.

Мен гапни кўпайтирмасдан Абдулла Қодирийнинг бадиий сўз айтиш маҳоратига неча бир карра қойил қолганлигимни билдиришдан фахрланаман. Ҳар бир сатрни ўқиганингиздан кейин ортидан неча бир қодирий хаёллар, фирқлар жилмайиши, йўл қарашини, илҳақланишини назарда тутаяпман.

Амир Алишер Навоийнинг 10 муҳташам дурдона насрдаги битиглари – **“Маҳбуб ул қулуб”**, **“Муҳокаматул-луғатайн”**, **“Тарихий анбиё ва ҳукамо”**, **“Тарихи мулки ажам”**, **Муножот**, **“Муншаот”** **“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”**, **“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”**, **“Арбаъин”**, **“Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват”**ни, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг **“Бобурнома”**, Маҳмуд Қошғарийнинг **“Девонул луғотит турк”** битигини ҳозирги жонли тилимизга, бугунги ўқувчи қийналмай тушиниш учун ўгириш жараёнида ва **“Ўтган кунлар”**ни қайта-қайта ўқиш вақтида одамларимиз Ҳазрат Навоий ва Абдулла Қодирий ҳазратлари ишлатган бир сўзни бошқа маънода, яъни асл маъноси бошқа-ю, бугунги кунда барча-барчамиз бутунлай бошқа маънода, энг ёмони, бутунлай тесқари маънода тушунишини тушуниш натижасига кўра ишлатишини гувоҳи бўлиб, Ҳазратлар хаёллари олдида, ниятлари, орзи умидлари, айтар гапларини нотўғри тушунаётганимиздан, англаётганимиздан, биз мутахассислар билиб-билмай, талмовсираганча жим турганимиздан уялиб кетаман.

Бу уялтирганлар **“мағрур”**, **“ғурур”** сўзларидир. Бу сўз энг улуғ китоб Қуръони каримда келган сўзлар жумласига киради. Ва энг ношукур яратикқа, энг мағрур, ўта кетган ғурурли маҳлукқа нисбатан ишлатилган ва унинг ғурурга





кетганлиги, мағрурланганлиги учун жазоланганлиги қайд этилган. Араб тилидан ўзбек тилига ўгирилганда “Мағрур-у ғурур”нинг ўзаги бир бўлиб, маъноси “алдамоқ”, “аврамоқ”, “васваса қилмоқ”, “йўлдан урмоқ”, “мақтаб алдамоқ”, “жаҳолат”, “жаҳл”, “ўринсиз”, “аҳмоқ”, “алданиш” демакдир.

Ўз хусни чиройига алданиш; катта мансаб-амал, ўрганган илми кучига алданиши; омонатга бериб турилган мол-давлат, куч-қудратига “алданиш” “алданиб қолиш”ни билдиришда ишлатилади. Мансабининг васвасига ишониб, алданиб, бошқаларни менсимасликни билдиради. Оёғи ердан узилганлигини билдиради. Содда қилиб айтилганда “Бу дунё матоларига учиб алданиш”дир.

Бу “мағруру ғурур”лар газета журналларимизда, радио телевизорларда, кўча ёзиқларида, эл орасида ор-номус, шараф деган улуғ тушунчалар ўрнига ишлатилади.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек:

Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздурки, берур хабар жонга жонондан.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Мазмуни:

Сўз, ўликка тирикликдан белги берувчидир,
Тирик жонга Яратганнинг хабарини берувчидир.
Инсонни ҳайвонликдан ажратган сўздир,
Билгинки ундан қимматли гавҳар йўқдир.

Сўзни одам яратмайди. Сўз тирик, жони бор яратик. Уни Яратувчиси, эгаси бор. Унинг умри узокдирки, тил берилган миллат уни асраса, авайласа. Инсоннинг, миллатнинг тириклигим бир оғиз сўзга боғлиқ. Бу фикрни тўлиқ англаш учун Ҳазрат Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайин” асарини ўқиш ўқувчига Сўзга қандай муносабатда бўлиш лозимлигини уқтиради. Адибнинг вазифаси ҳам аслида ана шу деб таъкилайдилар Навоий ҳазратлари. Адиб, адаб берувчи, одоб ўргатувчи тарбиячи демакдир. Аввало ўзи шу отга муносиб бўлган ҳолда, албатта. Ота тилда ўргатилган одобгина отаюрт ўчоғининг кўрини баланд





бўлишини таъминлайди. Бошқалардан хас кўтариб тутантириқ сўраб эшигига бориб юрмайди.

Ҳазратнинг “Пайғамбарлар ва ҳукмдорлар тарихи”, “Ажам подшолари тарихи” асарларининг ҳар бирида мағруру ғуруру беш мартадан ишлатилган. Ва барчаси шармандалиқ ҳолатларни тасвирлашда.

Пайғамбарлар тарихидан ўқиймиз. Од қавми хусусида юз юритилиб: “Ул қавмким ўз кучларига мағруру эдилар, (бир шамол келиб) ҳашакдек совуриб, тоғ ва тошга уриб, барчасин ҳалок қилди” дейдилар. Ёки Барсисо отлиқ алданган подшонинг аҳволи ҳақида сўз юритиб дейдиларки;

Бўлма мағруру кўх ёки асо,

Кўрки, не ишга қолди Барсисо.

Мазмуни:

(Тоғ ёки хассадек ғўддайган, мағруру бўлмагинки, ақлингни йўқотмагинки, Кўрки, қарагинки, Барсисо отлиқ подшо не кунларга қолди).

“Ўтган кунлар”да ҳам мағруру ва ғуруру сўзлари беш марта ишлатилган ва барчаси Ҳомид отлиқ нуханинг ҳатти-ҳаракатлари, шаклу шамойилини таърифлашда, унинг айтар сўзларида ишлатилгани ҳам Абдулла Қодирийнинг бу нуханинг “алданган”, “ўзини ўзи алдаган”лардан эканлигини кўрсатишидан иборатдир. Бироқ Ҳазрат Навойнинг бир шоҳ байтларининг бир сатри борки барча замон, барча миллатнинг кўзи очикларига мангу чироқ бўлгуликдир. Ушбу сатр будир:

“Ғуруру хусн ила жоҳингга қилмаким қолмас...”

Бу эса: “Эй инсон, чиройинг ёки мансабингга алданмагинким, чирой деб, мансаб деб ақлдан озмагинким, ҳа демай ҳеч бири қолмас...” деганидир.

Бу сатрларни битишимдан мақсад ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, мутахассиси сифатида сизларга тилимиздаги биттагина (ғуруру) сўздан тўғри фойдаланиш, тўғри тушуниш ва тўғри тушунтириш, ушбу сўзни Куръони каримда (27 марта) келган маъносида тушунишни эслатиш, шу биргина сўзни тушуниш орқали хаёлларимиз ўзанлари ўзининг қадим йўлини топишига ёрдам беришдир.





Ҳозирги ўзбек адабиётида “Мағрур” ва “ғурур” сўзларини охириги марта тўғри ишлатганлар Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповдир. У ҳам ўтган асрнинг 70 йиллари ўрталарида. Эркин Воҳидов машҳур “Камтарлик ҳақида” шеърида “Ўтма ғурур остонасидан” деган бўлсалар, Абдулла Орипов “Юзма-юз” достонида “Йўқол, эй беҳуда мағрурлик ҳисси” деганлар. Ва мен бу ҳолатларни ҳар икки Улуғ устозларга билдиришга, эслатишга жазм этганман. Ва уларнинг суюнган чехралари, катта қониқиш ҳисси билан қулган кўзлари меҳридан тотинганман. Иккала улуғимиз ҳам бир сўз айтмай бошимизни қучганлар ва кўзлари тўла ёш эди.

Абдулла Қодирийнинг ҳар бир сатри эса содда ва тўғри халқимизнинг кўнглидек тоза, ғуборсиз ва ўлмасдир. Абдулла Қодирийнинг хаёлларини илғаган қалблар ҳам тириклик вазифасини тўғри англашларига ёрдам бериши шубҳасиздир. Элимиз Абдулла Қодирий дардини, хасрати, қувончи, ниятини тўғри тушуниши учун эса унинг ҳар бир сатри, ҳар бир иборасини тўғри тушунтириш лозим деб ўйлайман. Ва бу иш энг оғир ишлар тоифасига, энг шарафли юмушлар қурига киради. Ва бугунги кунда қилинаётган ушбу ташвишлар эса катта ишларнинг бошланмаси ўқтомири бўлади деган умиддамиз.

Ўзбекистон дунёга кўнглини очмоқда. Сўзни аслиятини тушинадиган меҳмонлар кўчалардаги ҳаштала билан битилган “ғурур” ва “мағрур”ларга оид мағрурона, ғурурга кетган катта-катта тасрайган ёзиқларни ўқиганларида не ҳолга тушишларидан одам ҳижолат тортади. Қолаверса биз меҳмонлар учун эмас ўзимиз учун тўғри илмни ўрганишимиз керак. Бу хато иш давлат, ижро ҳокимиятидагиларнинг хатоси эмас, биринчи навбатда ўзбек тили мутахассисларнинг хатосидир, парвосизлиги, илмсизлигидир. Шу қаторда “гап деса қоп-қоп”у китоб қарамайдиган журналистларнинг ҳам.

Марҳамат, тилчи олимлар, давлат, ҳокимият ўз ишини қилиб қўйишган:

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 2-жилди (Тошкент. 2006 йил) 572-бети очиб қаралса отнинг қашқасидек қилиб ёзиб қўйилган. **МАҒРУР**- арабча сўз. Ақлдан ажралган, алданган, ўзига бино қўйган, кеккайган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 5-жилди (Тошкент. 2008 йил.) 460-бети очиб қаралса бунда ҳам илм ўз сўзини айтиб турибди. **ҒУРУР**- арабча сўз. Жаҳолат, хом, пуч хаёл, манманлик, кибру хаво, мағрурлик.





Одам ўзини ўзи қўлга олмаса, тўғри йўлга солмаса биров йўлга сололмайди, деган оталаримиз. Биров келиб қилиб берган ишларни кўрдик, ками қолмаган. Тилимизни, ёзиғимизни ўз қўлимизга олмас эканмиз бошқа гап-сўзлар юзаки бўлиб қолаверади. Отамиз бир гапни бошқа маънода айтган бўлсаю, биз уни бошқа маънода тушунсак ва тушунтирсак, китоб қарамасак, сўзнинг морфемаси-маъно ташувчи қисмини тескари тушиниш, тушинтириш... Бош китобимизда, оталаримиз китобларида ғурур деганда ақлдан ажраганликни тушунган бўлса, биз ор-номусни тушунсак... буни энди айтгулиги йўқ.

Катта олим, эл фидойиси Баҳодир Каримнинг “Абдулла Қодирий феномени”ни илмий асарини ўқинг. Китоб сизга Абдулла Қодирийни таништиради. Абдулла Қодирийни ўқинг! У сизни турк дунёсининг ботмас куёши Ҳазрат Навоий ҳузурига элтади... Навоий ҳазратлари эса Сўз салтанатига... Сўз мулкига...

Зеро, турк сўзининг маъноси - тўғри сўз демақдир.

Ҳазрат Бобур йўриқларига, кўрсатган йўлларига эргашмоқ, юрмоқ фақат ва фақат бизнинг фойдамизгадир. Ул улўғимиз демишларки:

“Бундан нари (бундан кейин) бетакаллуф (ортиқча уринмасдан) ва равшан ва пок алфоз (тушинарли сўзлар) била бити (ёзгин): ҳам санга ташвиш озроқ ва ҳам ўқуғувчига”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 2019 йил 21 октябрь.
2. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”. Иккинчи жилд. Тошкент 2006 йил. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 572-бет.
3. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”. Бешинчи жилд. Тошкент 2008 йил. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 461-бет.
4. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” Иккинчи жилд. Тошкент 2020 йил. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.
5. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” Бешинчи жилд. Тошкент 2020 йил. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.
6. А.Қодирий. “Ўтган кунлар”. Тошкент. 1958 йил. ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти. Сарвар Азимов таҳрири остида.





7. Абдулла Қодирий. “Ўткан кунлар” Тошкент. 2009 йил. “”Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти.
8. Ҳабибулла Қодирий. “Отам ҳақида”. Тошкент. 2005 йил. “Янги аср авлоди”.
9. Шеркон Қодирий. “37-хонадон” Тошкент. 2009 йил.
10. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома” Тошкент. Юлдузча 1990 йил.
11. Алишер Навоий. “Муҳокамат ул-луғатайин”. Тўла асарлар тўплами. Ҷинчи жилд. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. 2011 йил.
12. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”. Тўла асарлар тўплами Тўққизинчи жилд. Тошкент. Ғафур Ғулом НМИУ. 2011 йил.
13. Баҳодир Карим. “Икки даҳо-икки бебаҳо”. Тошкент. 2020 йил. ЎЗМЭДИН.
14. Баҳодир Карим. “Абдулла Қодирий феномени” Тошкент. 2019 йил. “Инфо капитал груп”.
15. Баҳодир Карим. “Абдулла Қодирий”. Тошкент. 2006 йил. “Фан” наشريёти.
16. Ўткан кунлар. Абдулла Қодирий. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Хондамир Қодирий. Тошкент. 2014 йил “Шарқ” НМАК.
17. “Ҳозирги ўзбек адабий тили”. У.Турсунов,
18. Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаев. Тошкент. 1965 йил “Ўқитувчи”.
19. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Р.Қўнғуров,
20. Э.Бегматов, Ё.Тожиев. Тошкент. 1992 йил. “Ўқитувчи”.
21. Қуръони карим ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент. 1992. “Чўлпон”.
22. Қуръони карим маъноларининг таржимаси
23. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Тошкент. 2001 йил.
24. Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли луғати. Ботирбек Ҳасан. Тошкент Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти. 1995 йил.

